

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

20 2-йил чиқиши ДЕКАБРЬ 1967 й ЧОРШАНБА № 295 (450) БАҲОСИ 2 ТИЙИН.


ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КЕЛГУСИ ЙИЛ ФИЛЬМЛАРИ

Тошкент илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси ижодий ходимларининг бу йилги ишлари баракали бўлди. Овоз ёзиш цехининг эшиги тепасида ёниб турган «Жим» сўзи шу цехда диктор нинг сўзи ёзилаётганлигини билдиради. Бу «Ўзбекистон эллик йил ичида» деган ҳужжатли картинанинг авторлари Р. Раҳимбоев ва Р. Шарифхоновалардир. Улар асарни яратишда кўпроқ фото ва кино архивлардан фойдаландилар.

Студиянинг бадиий раҳбари СССР халқ артисти, Ҳамза мукофотининг лауреати, атоқли киноҳужжатчи Малик Қаюмов 1968 йилда студия ижодий режаларя ҳақида бундай деди.

— Студиямизда келаси йилда суратга олинадиган фильмлардан бири «Зилзила» февраль-март ойларида тамомланади. Тўла метражли ҳужжатли фильм «Шарқ шуъласи» деган асар ҳам томошабинларга манзур бўлади. Бу фильм Ўрта Осиё республикалари халқларининг фан ва маданиятини акс эттиради.



Тошкентнинг Қўйлиқ массивида яқинда шаҳримизда учинчи бўлган йирик уйсозлик комбинати қурилиб фойдаланишга топширилди. Энг замонавий талабларга жавоб берувчи ҳамда кўп қаватли йиғма панель уй деталларни ишлаб чиқарувчи бу комбинат маҳсулотни ишлаб чиқаришга киришди. Яқин келажакда бу комбинат тўла қувват билан ишлай бошлайди. Уйсозлик комбинатида барча ишлар механизациялашган бўлиб, кўпгина мшжараёнларн махсус электрон бошқарув пультлари орқали бошқарилади.

СУРАТЛАРДА: янги уйсозлик комбинатининг умумий кўриниши (юқорида), дастлабки панеллар қурилиш майдонларига пешма-пеш жўнатилмоқда.

ТЎНГИЧЛАР ХОТИРАСИ

Кеча Совет давлат хавфсизлиги органларининг 50 йиллик байрами муносабати билан республикамиздаги тўнғич чекистлар Дўстмуҳаммад Устабоев, И. И. Ломанов қабрларига гулдасталар қўйилди. Чигатой ва Боткин қабристонлари, вокзал олди майдонидаги 14 Туркистон комиссари ҳайкали олдида кўпчилик тўпланди. 14 Туркистон комиссарлари орасида Туркистон ЧК си раҳбарларидан бири И. П. Фоменко ҳам халқ бўлган эди. Гулдасталар қўйишда давлат хавфсизлиги органларининг бир группа вакиллари, шаҳар жамоатчилиги вакилари, пионер ва комсомоллар йиғилдилар.



ШОИР ТЎЙИГА

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти улуғ Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллик юбилейига бағишланган бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Саноат корхоналарида, колхозларда ва ўқув юртларида лекция, кечалар, суҳбатлар ўтказилмоқда. Бу тадбирда олимларимиздан Лазиз Қаюмов, Ҳамид Сулаймонов, Суима Ғаниева ва бошқалар қатнашмоқдалар.

Республика «Билим» жамияти правлениеси лекторларга ёрдам тариқасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Воҳид Абдуллаевнинг «Алишер Навоий Самарқандда» ва Олим Шарофуддиновнинг «Алишер Навоий» деган китобларини нашрдан чиқариб, жойларга юборди.

«ЁШЛИК» СТУДЕНТЛАР ХУЗУРИДА

Яқинда «Ёшлик» радиостанциясини нг ТошДУ студентлари ҳузурида конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда сўз олган студия бош редактори М. Каримов «Ёшлик» нинг фаолияти ҳақида, эшиттиришларнинг тематикаси, ҳозирги қилинаётган ишлар ва келгусидаги режалар тўғрисида сўзлаб берди. Старший редактор С. Сиёев эса «Ёшлик» даги эшиттиришлар жанр хусусиятларининг ўзига хос томонлари ҳақида фикр юритди...

Шундан сўнг журналистика факультетининг III курс талабаси О. Наханов «Ёшлик»да берилаётган материалларнинг савияси ҳақида сўзлади. Айниқса у радиофельетон жанрининг ривожланиши ва унинг аҳамияти ҳақида фикрлар баён қилди.

Сўзга чиққан студентлар эшиттиришларни янада яхшилаш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ IV СЪЕЗДИГА


Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика хотин-қизларининг IV съезди қатнашчиларини ва сизлар орқали Совет Ўзбекистонининг барча хотин-қизларини қизғин ва самимий табриклайдилар.

Республика хотин-қизларининг съездларини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бу съездлар социалистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида, мамлакатимизда коммунистик қурилиш улуғвор программасини амалга ошириш учун курашда шонли меҳнаткаш хотин-қизларимизнинг меҳнат-ғайрати ва сиёсий активлигини оширишга ҳар тарафлама ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон хотин-қизларининг тўртинчи съезди унутилмас тарихий йилда—ишчилар билан деҳқонларнинг жаҳонда биринчи давлатининг 50 йиллик юбилейи йилида ўтказилмоқда.

Улуғ Октябрь ғалабаси барча хотин-қизлар турмушини ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, ишлаб чиқаришда, маданий ҳаётда, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда тенг ҳуқуқлилик учун курашда ғоят улкан ўзгаришларга олиб келди. Ленин партияси ва Совет ҳокимияти ўзбек хотин-қизларини ана шу ҳуқуқлилик учун курашга раҳбарлик қилди, уларни ижтимоий ҳаётнинг фаол қатнашчиларига айлантир



Коммунистик меҳнат зарбдори Султонмурод Аҳмедов шаҳримиздаги шина ремонт заводининг пешқадам ишчиларидан бири. Мана шу корхонада анчадан бери узлуксиз меҳнат қилаётган бу ремонтчи слесарь мунтазам равишда корхона дастгоҳларининг нормал ишлашини таъминлайди. Корхонанинг бошқа кўпгина илғор ишчилари каби С. Аҳмедов ҳам бўлғуси йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: С. АҲМЕДОВ.

Биродарлашган Тошкент

1960 йилнинг сентябрь ойида Тошкент биродарлашган шаҳарлар жаҳон федерацияси сафига қўшилди.

Совет Узбекистонининг пойтахти Осиё ва Африка қитъаларидаги мамлакатларнинг олтита шаҳари билан яхшигина дўстлик алоқаларини ўрнатган. Хиндистоннинг Патнёла, Покистоннинг Карачи, араб мамлакатларининг пойтахтлари Тунис, Триполи, Мали республикасининг пойтахти Бамако, Марокашнинг пойтахти Марокаш шаҳарларидир.

Тошкент шаҳар совети ижроия комитети бу шаҳарлар билан делегациялар айирбошлаш ва уларга шаҳримиз хўжалигининг тараққиёти, ўзбек халқининг турмуши ва маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, брошюралар, кинофильмлар, фотоальбомлар юбормоқда.

Шу йилнинг апрель ойида Тошкентда биродарлашган шаҳарлар куни кенг нишонланди. Дўст шаҳарларга қутлов мактублари йўлланди.

Бу тадбирлар халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашда ва дўстона алоқаларни кенгайтиришда муҳим омиллардан бири бўлмоқда.

Биродарлашган шаҳарлар жаҳон федерацияси Франциянинг пойтахти Парижда жойлашган. Яқинда шу федерациянинг VI конгресси бўлиб ўтди. Конгресс ишида Тошкент шаҳар совети ижроия комитетининг раиси Ҳусниддин Асомов ҳам қатнашди. Уртоқ Х. Асомов конгрессдан олган таассуротлари ҳақида мухбиримизга гапириб берди.

— Конгресснинг кун тартибида «Биродарлашган шаҳарлар жаҳон федерациясининг фаолияти ва келгусидаги режалари» бўлди. Конгресс ишида Совет Иттифоқи делегацияси ҳам қатнашди. Делегация 20 кишидан иборат эди. Улар Ленинград, Одесса, Ялта, Сочи, Новгород, Ростов-Дон, Душанбе, Олмаота, Луганск, Рига, Ереван, Волгоград, Харьков ва ниҳоят Тошкент шаҳарларининг вакилларидир.

Конгресс қатнашчиларини Париж муниципал кенгашининг вице-президенти жаноб Андре Ватель, Франция ҳукуматининг вакили жаноб Морис Дублелар табриклашди.

Биродарлашган шаҳарлар вакилларининг бу анжуманида жаноб Жан Марк Брессен ҳисоб берди. У ўз нутқида Вьетнамдаги урушни қоралади ва Вьетнам масаласини вьетнамликларнинг ўзлари ҳал қилишлари лозим деб уқтирди.

Шундан кейин конгресс уч кун давомида турли масалалар бўйича секцияларга бўлиниб иш олиб борди. Уларда кўпгина ҳал қилинмаган масалалар келишиб олинди. Биродарлашган шаҳарларнинг иш тажрибалари маъқулланди. Йиғилиш жуда қизғин ўтди. Федерация ижроия кенгаши ва президенти сайланди.

Конгресс иши шуни кўрсатдики, Совет Иттифоқи ва социалистик лагерь мамлакатлари тараққиёти федерация фаолиятининг ҳамма жиҳатларида муносиб ўрин эгаллаган.

Федерация ёш ташкилот бўлишига қарамай, жаҳонда айниқса тинчликсевар халқлар ўртасида обрў орттирялти. Унинг олдида турган асосий вазифа тинчлик учун кураш, халқларнинг дўстлик ва маданий алоқаларини кенгайтиришдан иборат.

ВАХТАДАН СЎНГ...

Кимгадир ёмон кўриниб қолмаслик, муросанн бузмаслик учун ўзгага толқон солиб юрадиган, бирор муттаҳам давлат ва халқ мулкига чангал солаётганини кўра-билатуриб «ҳе, менинг нима ишим бор» деб кетадиган одамлар аҳсан. Корхона, ташкилот, муассасада ҳам учраб туради. Бундайларни ўз шахсиятини давлат ва халқ манфаатидан юқори қўядиган шахслар деб атаймиз. Нучани сел олса «менинг уйим тепада-ку» деб дунгдан томошабин бўладиганлар, сен менга тегмасанг сенга сира ҳам тегмаймэн, дейдиган писмиқларни ҳам биламиз. «Трамвайда киссавур бирор меҳнатшинниг киссасини шилаётганда ёки бир безори бир бегуноҳни савалаётганида одамлар кўра-била индамай ўтиб кетди-я, ҳеч ким аралашмадия», деган гапларни ҳамон эшитамиз.

Шунга ўхшаш ҳодиса ёнидан нўз юмиб ўтаётган милиционер бўлсачи!

Ёнимиздаги довюраклар

Тунги соат ўн бирларда Чилонзорга кетардим. Троллейбусда ўн-ўн беш киши. Мен касса ёнида утириман. Ўрқароқда эса яхши кийинган, басавлатгина икки йигит не-лардн. Ҳайдовчи билет олишга даъват этиб, ҳозир контролёр чиқишини огоҳлантирганди, ҳалиги икки йигит шивир-шивир қилиб қолишди.

— Никита билет йиртиб беринг,— деди бири. Пулини олмоқчи бўлиб бурилдим.

— Тезроқ,— деди тагин ўша овоз эгаси кўзини лўқ қилиб.

— Пулини ташладингларми?

— Ҳўв, одаммисан, олиб бераверсангчи, пули билан нима ишинг бор!—иккинчисининг жавоби шу бўлди.

Гап билан тортишиб қолдик. Йигитлар пулни шоферга бердик дейишди. Бу орада контролёр чиқди. Ҳайдовчи чақириб сўралди. Билет ҳақини у олмаган экан. Йигитлар авжи баланд келиб, контролёрни ҳам бир чўқиб қочиришди. Навбатдаги бекатда бир милиционер чиқди. Бир-икки йўловчи менинг ёнимни олиб, йигитларнинг билетини текширишни ундан сўради.

— Узларининг билетини текширинг,— деб қолди ҳалиги икки ғирром.

Ана шунда қизиқ, ҳатто кулгили иш бўлди. Милиционер дағаллик қилиб, билетсиз келаётганлардан эмас, бу ҳақда гапирганларнинг билетини сўради. Бу пайтда оғзидан боди кириб шоди чиқаётган ҳалиги тартиб бузарларнинг енига ҳам боролмади. Одамлар танбеҳ беришди, албатта. Милиционер қизарди ва дангал қилиб:

— Менинг иш вақтим тугади, дам олгани кетяпман, буларни олиб борадиган бўлсам икки-уч соат вақт кетади,— деди ва навбатдаги бекатда тушиб, бошқа транспортга чиқиб кетди.

Бу икки дағдағачи ғирромни эса милиция бўлимига олиб боришнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Билетини текшириб, машинадан туширib юборишнинг ўзи етарли эди. Бунинг учун ҳуштак ва тўппонча бўлиши ҳам шарт эмасди. Милиция формасининг ўзи улуғ нарса! Формада Совет ҳукуматининг тартиб посбони бўлишини, у билан лўттибозлик қилиш мумкин эмаслигини бундай «жўжахўрозлар» эмас, пихи қайрилган «даканг хўрозлар» ҳам яхши билишади. «Хўрозлик» қилиб келаётган йигитлар милиционердан сўнг тушиб кетишди. Аммо йўловчилар бу воқеа ҳақида охирги бекатгача гапириб боришди. Улар гапининг мазмуни хизмат бурчи, ижтимоий ва граждалик бурчи ҳақида эди.

— Милиционернинг тажрибаси йўқ, ўзи бўшанг экан. Иш соатим тугади, қолгани билан ишим йўқ, деб ўйлар экан,— дейди бириси.

— Ҳасан амаки, деган бир старшинани биламан, у бўлганда буларни контролёр билан ҳайдовчидангина эмас, йўловчилардан ҳам кечирим сўрашга мажбур қиларди, — деб қолди иккинчиси.

Исм менга таниш эди. «Қайси Ҳасан амаки?» деб сўрадим.

— Илгари мўп йиллар Шумилов шаҳарчасида хизмат қилган. Ҳозир Ленин район милицняси бўлимида ишлайди.

* * *

Шундан бир ҳафта бурун Ленин район милиция бўлими бошлиғининг ўринбосари полковник Юсуф Тавсияси билан милиция аълочиси старшина Ҳасан Мамиев билан суҳбатлашган ва ёзувларимнинг якунигга «Хизмат бурчинигина эмас, ижтимоий ва граждалик бурчини ҳам чуқур англаш намунаси» деб ёзиб қўйган эдим. Троллейбусдаги йўловчи ўз шеригига худди шу старшина — Ҳасан Мамиев тўғрисида гапираётган эди.

Ҳасан ака йигирма йилдан буён жамоат тартибига, халқ ва давлат мулкининг бус-бутунлигига посбонлик қиляпти. Дарвоқе у жуда кўп жиноий ишлар содир бўлишининг олдини олганлигини, эгри йўлга кириб кетаётган кўпгина ёшларни тўғри йўлга бошқарганини, киссавур ва жиноятчиларни тутиб беришда ўрнан бўлганлигини полковник Юсуф сўзлаб берганди. Лекин иш пайтида хизмат бурчини ўтаётганда вазифани бажариш ҳар бир ходимнинг ҳам ундалик юмуши. Шунинг учун ҳам у маълум вазифага қабул қилинган, шунинг учун ҳам у давлатдан маош олади. Бу ерда эса биз иш соати тугагандан кейинги бурчимиз тўғрисида гапиряпмиз.

Ҳасан аканинг жонбозлиги, мардликлари шахсиятпарастлар, ҳодисалар ёнидан тесқари қараб ўтувчилар, қўрқоқлар учун қанчалик ибратли эканлигини у ҳақдаги ҳикоялар сўзласин.

Ҳасан Мамиев саҳарда постини топшириб дам олишга кетаётган эди. Боку кўчасида икки киши шошилиб кетяпти. Қўлларида чемодан, аланг-жаланг қилишади.

Старшина бу йўловчиларни муюлишгача кузатиб қўйишга ва синаб кўришга қарор қилади. Мамиев тротуарга ўтса, улар катта йўлнинг ўртасига тушиб олишади.

— Мен ҳам катта йўлга тушдим,— дейди Ҳ. Мамиев.— Улар эса дарҳол қайтиб тротуарга ўтиб олишди. Тўхтатиб, қаёққа кетаётганларини сўрадим, биттаси гугурт сўради. Иккинчиси эса тез-тез юриб кетаверди. Гугурт йўқ, дегандим чемодонини ерга қўйиб ёнига қўл солди. Ўгриларнинг бу усули менга таниш бўлгани учун дарҳол қўлини тутдим. Олишиб қолдик. Ёнидан қирқ сантиметр келадиган ханжар чиқди. Қуролсизлантириб бўлимга олиб келдим. Чемадондан 14 та тилла соат, «ТТ» тўппончаси, жами 40 та қимматбаҳо буюм чиқди.

Жиноят қидирув бўлимининг ходимлари бу ўгрилар группасини тополмай кўпдан бери иш олиб бораётган эди. Тез орада 14 жиноятчидан иборат шайка тор-мор қилинди.

Бу мардлиги учун Ҳ. Мамиевни СССР Олий Совети Президиуми «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали, область жамоат тартибини сақлаш бошқармаси эса Фахрий ёрлиқ билан мукофотлади.

Шумилов истироҳат боғида қотиллик содир бўлди. Воқеа соат 24 да юз берган, милиционер Мамиев эса боғдан ташқарида эди. Ҳодиса қулогига чалиниши биланоқ, старшина танца майдони томон чопди. Қотил қўлида қон томиб турган ханжари билан қочиб борар, дуч келган одамга тиқиб олиши турган гап эди.

Сир эмас, баъзи забардаст йигитлар ҳам бундай пайтда милиционер билан жиноятчининг олишувини кузатишни маъқул кўради. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Қани энди милиционернинг ёнига бирор ниши қўшилса. Бу пайтда Ҳ. Мамиевнинг ҳам иш вақти тугаган эди. Лекин у ўлимга юзма-юз турса-да, Қотилни кўчага кўча қувиб, лом билан қўлига уриб қуролсизлантирди.

Ёки мана бу воқеани олайлик.

Ярим тун. Ҳ. Мамиев постини топшириб уйга кетаётиб, Сариқўл кўчасидаги электротехника магазини ёнига етганда чироқ ўчди. Магазинга ўгрилар киргани аниқ эди. Старшинанинг ёнида эса портсигардан бошқа қурол йўқ! Нима қилиш керак? Иш вақти тугаган. Ахир у постини топшириб уйига — болаларн ёнига дам олишга кетяптику. Индамай ўтиб кетганда биров билармиди.

Ҳасан аканинг табиатида бунақа нарса йўқ. У портсигарини тақиллатиб магазин эшиги енига борди. Чиққанингни отаман, жойингдан қимирлама, деди-да телефонга югурди. Телефон ҳам яқин атрофда йўқ экан. Қайтиб келса ўгрилар тешик нўприк тагида турган юк машинасига «ўлжа»ни юклаяпти. Ҳасан аканинг қўлига қаёндандир бир темир тушиб қолди. Ўгрилардан ортиқсига ташланиб, уриб ниқитди. Бошқалар машинада қочиб қолишди.

Ўгрилар ҳар бири 300 сўмлик 5 та телевизорни олиб Оҳангаронга кетишган экан. Тутиб келинди. Улар бунгача ҳам магазинларни уришган, олинган буюмларини эса, бошқа шаҳарлардаги магазинларга арзонроқ нархда топшириб юришган экан.

Тошкинхўрлар вагон-ремонт заводида очиқ суд қилинib, муносиб жазо олди. Старшинанинг жасорати яна бир медал билан тақдирланди.

Лекин Ҳасан Мамиев вахтадан сунг, дам олиш пайтида қуролланган ўгриларга ташланганда мукофот олишни ўйлаганмиди. Алоатта йўқ.

— Мен милиционер эмас, оддий граждан бўлганимда ҳам бу ҳодисанинг ёнидан бефарқ ўтиб кетолмасдим, — деди у. — Ахир давлат бизнинг ўзимиз, дейимиз. Ватанимиз мулкларининг ҳаммаси қондалари бузилаётган жойхалқники. Ҳар бир одам эса шу халқнинг бир қисмику. Шундай экан бу ўгрилар қарор қилади. Мамиев тротуарга ўтса, улар катта йўлнинг ўртасига тушиб олишади. Ҳодисадан сўнг, жамиятимизнинг ўзимиз тасдиқлаб қўйган қонун-қондалари бузилаётган жойдан кўз юмиб ўтган ҳар бир иши виждонсизлик қилган бўлмайдими.

Синельников, Сайдашев, Толстоухов, Морозов (исмларини атайлаб келтирмадик) сингари унга яқин шахс ҳозир шаҳримиз корхона ва қурилишларида ҳалол меҳнт қилишмоқда. Улар бир вақтлар ўгрилиги, безорилиги учун Ҳ. Мамиевнинг қулига тушган ва жиноятн учун жазоланган ишлар. Улар Ҳасан аканн яхши танишади. Кўзи очилиб, одам бўлганидандир, учрашиб қолишганда овқатга, бир пиёла чойга таклиф қилиб туришади.

Ҳасан ака Шумилов шаҳарчасининг ўзида 14 йил ишлади. Бу ерда яшовчилар уни яхши танишади, ҳурмат қилишади. Одамлар уни тартиб посбони сифатидагина эмас, яқин дўст, маслаҳатчи сифатида ҳам яхши кўриб қолишган.

Жиноятларнинг олдини олиш, ёмон йўлга кираётган ёшларни тўғри йўлга солиб қўйишда у жуда кўп тарбиявий-профилактик ишлар қилди.

Бугун у кинотеатрлар ёнида тургандан ёки троллейбус, трамвайда кетаётганда ўзи таниймайдиган йигитларнинг саломини эшитади:

— Салом, Ҳасан ака!

— Салом Ҳасан аманн!

Саломлашаётган Эшмат ёки Тошматми, Мнша ёки Сашами — бу унинг эсида йўқ. Муҳими, шу йигитлар старшинадан миннатдор бўлиб салом беришяпти. Чунки Ҳ. Мамиев бир вақтлар уларни тўғри йўлга солган, оталарча насиҳат, маслаҳат берган.

Тартиб ҳар биримизга боғлиқ

Ҳасан Мамиев ҳозир Ленин район жамоат тартибини сақлаш бўлимида ишлаяпти. Унинг иш вақти ҳеч қачон тугамайди. Ёрдам керан бўлса уйқусидан уйготсангиз ҳам югуриб чиқади. Ўлим хавфи юзма-юз турса-да у одамлар учун, социалистик қонунларимиз ҳимояси учун мардона ташланади.

Уша троллейбусдаги воқеа Ҳасан Золи ўғли Мамиевнинг мардликлари, унинг вахтадан сўнгги ишлари тўғрисида ўйлаганда, ён-веринггагиларга мурожаат қилгинг келади:

— Жамият, унинг қонун-қондалари, тартиб-интизоми ўзимизга, ҳар биримизга боғлиқ. Уни доим муқаддас билиб, ҳимоя қилиш барчамизнинг бурчимиз. Жамиятимизда онда-сонда учраб турадиган безори, юлғич, ўғри, мутаҳамларнинг йўқотилиши ҳар биримиз кўча-кўйда, жамоатчилик орасида ана шу бурчимизга қанчалик виждонан амал қилишимизга боғлиқ.

С. НОРМАТОВ.

Янги йил ҳисобига

Шаҳримиздаги ремонт талаб уйларни қайта тиклаш ишларида Тошкент шаҳар қурилиш трестига қарашли 7-бошқарма коллективи катта меҳнат муваффақиятини қўлга киритди. Бошқарма йиллик план топшириқларини муддатидан илгари адо этди. Мана бир ярим ойдан бери меҳнатсевар коллектив 1968 йил ҳисобига ишламоқда.

Ҳозиргача 6500 квартира газлаштирилди. Плндан ташқари 100 минг сўмлик капитал ремонт ишлари бажарилди. Азамат биноқорлар йил охиригача уй-жойларни капитал ремонт қилиш бўйича яна 100 минг сўмлик қурилиш ишлари адо этиш мажбуриятини олдилар.

Учинчи монография

Тарихшунос олима Узбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Раҳима Аминова республикамиз тарихини ўрганишда салмоқли ҳисса қўшмоқда. /

Олима «Узбекистонда Совет ҳокимиятининг аграр сиёсати», «1921 — 1924 йилларда Узбекистонда аграр ўзгаришлар» номли монографияларни тайёрлади. Тадқиқотчи яқинда шу мавзудаги учинчи монографиясини ҳам ёзиб тугатди.

Ҳозир Р. Аминова Узбекистонда аграр ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган мавзуларда йирик илмий асар устида ижодий иш олиб бормоқда.

Янгиликлар, фактлар

СВЕРДЛОВСКДА ЯНГИ САРОЙ

Свердловскда янги «Космос» кино-концерт зали очилди. Унга 2.5 минг томошабин сигади. Усти Урал тошлари билан қопланган, мармар ва алюминий билан нақшланган «Космос» зали шаҳарнинг зийнати бўлиб қолди. Саройнинг ички томондан ишланиши ҳам жуда гўзал, унда оқ мармар зинапоялар ва устунлари бўлиб, оппоқ шипларга қатор қилиб кундузги ёруғликни берувчи чироқлар осиб қўйилган. Саҳна театр техникасининг энг кейинги муваффақиятлари асосида жиҳозланган. Залда товушни яхши эшиттирувчи энг янги аппаратлар ўрнатилган.

Л. БУТОРИНА.
АПН мухбири.

«МАКСИМ ГОРЬКИЙДАН ЧИНГИЗ АЙТМАТОВГАЧА»

Турк тилига таржима қилиниб Истамбулда нашр этилган йигирма беш совет ёзувчисининг ҳикоялар тўплами ана шундай аталади. Китоб муқовасида социалистик реализм асосчиси Максим Горький ва Киргизистоннинг машҳур адиби, Ленин мукофотининг лауреати Чингиз Айтматовнинг портретлари босилган. Китоб номи тагига қўйилган «1917-1967» рақамлари эллик йил ичида совет адабиёти босиб ўтган йўлни кўрсатиб турибди.

Туркиянинг прогрессив ёзувчиси, рус тили ва адабиётининг билармони Ҳасан Али Эдиз китобга кириш сўзи ёзиб, Туркия нашриётининг мамлакат китобхонларига совет кишиларининг кейинги ярим аср мобайнидаги турмушини бадиий усулда кўрсатиш учун уриниши ҳақида гапиради. Бу уриниш тасодифий бир нарса эмас, албатта. Туркия жамоатчилигининг Совет Иттифоқи шу жумладан қирғиз халқининг ҳаётига бўлган қизиқиши йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Мисол учун ўтган йили Истамбул университетининг студентлари Қирғизистоннинг йирик «Манас» эпосини ўрганишга киришдилар. Бу асарда ўрта Осиёдаги энг қадимги халқ бўлган қирғиз халқи ўтмиш авлодининг тарихи ва фалсафаси акс эттирилгандир.

В. НЕСТЕРЕНКО.
АПН мухбири.

Ўзаро ҳамкорлик



Узбекистон Фанлар академияси геология ва геофизика институтининг қидирувчилари ва киберне тика институтининг ҳисоблаш маркази ходимлари ўзаро яхши алоқа боғлашган.

Ҳозирги пайтда ер қобиғини ўрнатиш «М-20» электрон ҳисоблаш машинаси ёрдамида бажариляпти. У ҳисоблаш марказида ўрнатилган бўлиб, унинг ходимлари геофизиклардан ёрдамларини аяшмайди.

Геология-минерология фанлари кандидати В. Пак (ўртада) ҳисоблаш техникаси бўлими бошлиғи И. Пўлатов (чапда) ва кўп қувватли электрон-ҳисоблаш машинасидан фойдаланиш лабораториясининг бошлиғи А. Аҳмадқуловлар билан ҳисоблашнинг янги методлари тўғрисида суҳбатлашяпти.

Н. Еськов фотоси.

• Янги йил учун

СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА

Янги йил яқинлаша борган сари тайёргарлик тобора авж олмоқда. Барча мактабларда арчалар ясатилади. Бунинг учун шаҳримизнинг 11 жойида янги йил бозорлари очилиб, бу ерларда ва майдон ҳамда хиёбонларда ташкил этилган байрам олди савдосидан кичкинтойлар ҳар хил ўйинчоқлар, совғалар, мева-чевалар олиб қайтишлари мумкин.

25 декабрдан умумий овқатланиш корхоналари, саноат корхоналари, муассасалар, ўқув юртларининг ишчи ва хизматчилари талабларига асосан хизмат кўрсата бошлайди. Улар ҳар хил таом масаллиқлари, ширинликлар харид қилишлари мумкин.

Янги йилдан олти кун бурун шаҳримиздаги барча ресторанлар ва катта ошхоналарда ярим тайёр масаллиқлар, қандолат ва бошқа масаллиқлар учун буюртмалар қабул қилина бошлайди.

30 ва 31 декабрь кунлари шу ерларда оилавий байрам ўтиришлари учун турли таомлар ҳамда ичимликлар буюртириш мумкин.

Янги йил арафаси ва янги йил тонгида барча магазин ва павильонларда иштаҳа очар таомлар, сомса, торт ва бошқа таом маҳсулотлари ҳарид қилиш мумкин бўлади.

31 декабрь ва 1 январда қурувчиларга хизмат кўрсатадиган барча, ошхоналарда янги йилни кутиш кечалари, ёшлик базмлари ташкил этилади. Бу жойларда умумий овқатланиш корхоналари тайёрлаган маҳсулотлар савдо кўргазмаси уюштирилади.

Куйбишев ва Октябрь районларининг аҳоли яшаш тартибда уй-жой қурган янги-турар жой массивларида миллий таомлар, шарқ қандолатлари савдоси ташкил этилади.

Янги йилни поездларда, самолётлар салонида кутиб олувчилар ҳам эсдан чиқарилгани йўқ. Бу ерларда ҳам иссиқ ва совуқ байрам таомлари бўлган буфетлар ишлайди.

Янги йил арафасида барча ресторан ва ошхоналарда қутлуғ айёмни кутувчилар учун янги йил эрталабки соат 5 га қадар базм қилиш имконияти яратиб берилади.



«Подшипник» заводининг ишчилари ҳам беш йилликни муддатидан илгари адо этиш учун курашаётгирлар. Заводнинг барча цехларида бу ҳаракат кенг қулоч ёймоқда. Подшипникларни қайта тиклаш цехининг мастери Шавкат Толипов ва шлифовкачи Валя Яковлева ўртоқлар ҳам шу корхонанинг беш йилликни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган ишчилардандирлар.

СУРАТДА: Ш. ТОЛИПОВ ва В. ЯКОВЛЕВА.
М. Нуриддинов фотоси.

ТОШКЕНТ ОКШОМИ 2 БЕТ
20 ДЕКАБРЬ, 1967 Й.

Солдат мактубларидан

Раҳмат, тожик дўстим!

Хаёлга чўмганча шипга тикилиб ётаман. Хаёлларим ўша кундаги воқеани кўз ўнгимда гавдалантирди. Ён бошимга ағдарилган эдим. оёғимнинг огриғи зўридан кўзларим чақнаб кетди. Хотиралар аста-секин жонлана бошлади...

Тунда тревога билан кўтарилган ротамиз кўп ўтмай самолётда осмонга кўтарилди. Мана, белгиланган жойга учиб келдик. Йигитлар бирин-кетин ўзларини бўшлиққа ташлай бошлашди. Навбат менга келди.

— Тайёрланинг! Сакранг!

Мен пастга ўқдек учиб кетдим. «Бир, икки... етти, саккиз...» санайман ичимда. Мана парашютим очилиши керак. Лекин. Ёрдамчи парашютни ишга соламан. Аммо у ҳам ишламайди. Мен ерга эмас. ер менга учиб келаётгандек. Ҳаммаси тамом, деган фикр ўтди миямдан. Бир вақт парашютим ипининг зарб билан тортилишидан ҳушимга келдим. Тепамда пага-пага булутлар тагида номозшом гулларидай қуролдош дўстларим пастга тушишяпти. Кейин эса, кейин ҳалоскорим, тожик дўстим Сайраҳмон Сайфуддиновни кўрдим. У очилмаган парашютим ипларидан маҳкам тутиб олганди...

Шифохонада оёғимни даволашди. Кўп ўтмай ҳарбий хизмат муддатини тугатдим. Сайраҳмон яна бир йил хизмат қилиши керак эди. У мени самолётга кузатиб қўярканг биз қучоқлашганча узоқ туриб қолдик. Ҳаво лайнери ердан кўтарилиб кетди, лекин қалбимнинг ярмиси ўша тожик дўстимда қолиб кетгандай эди.

А. ҲОТАМОВ,
запасдаги ефрейтор.

● ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

СЎЗ—ОТАГА...

...Икки диссертация ёқланди. Муҳокама қилинди. Овоз бериш палласида илмий Совет раиси Сотқин отага шипшитди:— Сўнгги сўзни сизга берамиз. Бирор нарса денг?!

Раиснинг бу гапи отахон вужудига ҳаяжон олиб кирди. Хаёлида чақмоқ чақилгандай бўлди.

Сўзга чиқиш у учун ҳеч гап эмас. У аҳлини танибдики, ҳалойиқ ўртасида гоҳ яширин, гоҳ ошкора нутқ сўзлади. Совет ғояларини тарғиб қилди. Бу борада унда анча-мунча тажриба бор. Аммо айни пайтда, нутқ сўзлаш ғайри табиий эди. Олимлар даврасида, илм ихлосмандлари олдида сўзлаш унинг учун шараф ва масъулиятли эди. Отахон бундай тотли ташвишга тушиб қолишининг, қалбининг ҳаяжон бешигида тебранишининг боиси нимада?

Уни ғўзал Тошкентдан гулгун тожик диёрига фарзанд меҳри тўнғич ўғли, Қашқадарё областидаги «Нишон» наслчилик совхозининг директори Наримоннинг илмий иш ёқлаши гаштини суриш ишқи олиб келди.

...Ҳу, ана, Сотқин ота кишилар билан лиммо-лим Академия залининг олдинги қаторида ўтирибди. Кўзи минбарда, гапирувчида-ю, хаёлида фикрлар олишуви: «Нимадан гап бошласамикин? Революциядан кейинги серташвиш онларданми? Қулоқларни синф сифатида тугатиш, дастлабки комсомоллардан сўз очаймикин? Паранжига қарши ўт очиш, босмачилар билан олишувларчи?.. Уша пайтларда ёнма-ён туриб ҳур ҳаёт учун жонини фидо қилган дўстлар ҳақида гапирсам-чи?.. Йўқ! Ҳозир нозик палла, ўтмишдан сўз очиб бу ердаги илму-донишҳ аҳлини чалғитиш ярамайди. Диссертациядан четга чиқмаслигим лозим...»

У хаёл сурарди. Утмиш саҳифаларини ҳаёлан бир-бир варақлаб йиғиш руҳига мос фикрларни ахтарарди.

Ниҳоят Совет раиси диссертациялар ёқланганини эълон қилди. Зал қарсаклардан чайқалди, гуё. Диссертантларни қутлов бошланди. Бир лаҳза ўтар-ўтмас раиснинг қуйидаги сўзлари янгради:

— Сўнгги сўз, кекса большевик, диссертантимизнинг отаси Сотқин ота Бадалбоевга!

Сотқин ота вазмин ўрнидан туриб, минбар сари йўл олди. Юзларча нўз унинг қоматини, мошгурунч сийран сочларни кузатиб турарди. Ота минбарга чиқиб, зал аҳлига нўз югуртирди. Утмиш воқеаларини кўраверіб пишган, катта, йирик кўзларида ҳаяжон порларди. Япалоқ юзида қувонч қалқирди.

— Азиз биродарлар!..— босиқ сўз бошлади ота,— сизларга қадрдон Тошкентдан дўстлик саломини келтирдим. Қабул этинг!

Залда гулдурос қарсаклар бирдан авжига чиқди-да, яна оҳиста тинди. Ота сўзида давом этди:

— Душанба шаҳри сизлар сингари менга ҳам азиз. Бу ерда дўстларим кўп. Уларнинг меҳри мени доимо ўзига тортади. Шу туфайли тез-тез келаман. Бу ерни ҳақиқий зукко илмлар даргоҳи сифатида қадрлайман. Бу сафарги келишим ҳаётимда ўчмас из бўлиб қолади, албатта. Ўғлимиз Наримонжоннинг ҳаётида ҳам янги саҳифа очганига аминман. Чунки у азиз даргоҳда сизларнинг ҳузурингизда илмий иш ёқлади.

Сиз азизларнинг севимли шоирингиз, сизлар орқали бизнинг ҳам шоиримиз Саъди Шерозий ўз байтларининг бирида:

Бу бўстонда дўстлар этмаса нўман,
Мушкул эрур мақсад гулни термак,—

деб бежиз айтмаганлар. Сиз дўстларнинг меҳрингиз, бебаҳо нўмагингиз туфайли, ўғлимиз мақсадига эришди. Дўст бел қуввати, дил дармони экани барчамизга аён бўлиб турибди.

Мени бир нарса ҳайратга солди. У ҳам бўлса, ҳозирги икки иш мавзуи: Тожикистон қишлоқ хўжалик институтининг илмий ходими домла Музаффаржон Каримов «Ғумай ўсимлиги қоронўл қўйларининг сервитамин озуқаси» деган темада илмий иш ёзибдилар. Бизнинг ўғил Наримонжон эса «Қоронўл терисининг янги сорти» ҳақида иш ёзибди. Бу гўё илдиз ва таналарден бир бутун эмасми? Деҳқончa қилиб айтсак, майли, домла Каримов сифатли озуқа етказиб бераверсинлар-у, Наримонжоннинг қоронўл қўйлари уни еб, аъло сорт тери бераверсин, юртимиз бойлиги ошаверсин!..

Зални қувноқ кулги мавжи тутиб кетди. Сотқин ота шошмасдан, руҳланиб сўзига сўз улади:

— Суриштириб билсам, домла Каримов Наримонжондан бир-икки ёш катта эканлар. Демак, бир оиланинг икки ўғлидай ака-ука. Меннинг бирдан-бир ҳоҳишим шуки, шу ака-укалар берадиган зиёфатни бир жойда, бир хонада ўтказсак. Зиёфат ака-укаларнинг тўйга айланса...

Олқиш авжга чиқди. Отанинг айтгани бўлди. Уша куни ака-укаларнинг тўйи бир жойда, бир вақтда бўлиб, дилларга нақш бўлиб қолди. Шу ўринда Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг бир табаррук байтларини эсласак чанки бўлмас дейман:

Дўстига агар қўшилса дўст-ёр,
Орзу оғочи бўлур ҳосилдор.

Ж. ТОШМАТОВ.

Китъалардан хабарлар

ПОЕЗДЛАР ГРАФИКДАН ЧИҚМОҚДА

Мана бир неча кун бўлдики, Буюк Британия темир йўли «Қатъий тартиб бўйича» ишлаяпти. Бу турган гапки, пассажир ва товар поездлари 4 декабргача жадвалга мувофиқ қатнаб турарди, деган маънони асло англатмайди. Оддийгина қилиб айтганда поезд машинистлари ва кочегарларининг (бунга проводниклар ҳам киради) 36 минг аъзога эга бўлган касаба союзи одатда қўшимча иш ҳақи эвазига иш вақтидан ташқари бериладиган ишлар, қўшимча топшириқлар ва дам олиш кунларида ишлатишларга доимий равишда келишавериб, эксплуатация қилинишига қўниқиб қолган эди. Шунинг учун национализация қилинган темир йўлларнинг маъмуриятлари худди шахсий корхона эгалари каби ишчи кучларини камайтириш орқали тежашни афзал кўрадилар. Ҳозир машинист, кочегар ва проводниклар қўшимча меҳнатнинг ҳамма шаклларидан қатъий бош тортиб, фақат қонунда белгиланган иш соатларидаги ўз вазифаларини бажаришга розн бўлмоқдалар. Бироқ «қатъий тартиб бўйича» ишлаш Англиянинг бутун темир йўл транспортида тартибсизлик ҳолатини юзага келтирди. Бу ихтилофлар ўз таъсир кучи жиҳатидан аслида иш ташлаш билан тенг бўлиб қолди. Касаба союзи эса иш ташлашни расмий равишда эълон қилмасдан ҳудди ана шундай таъсир кўрсатишга эришишни кўзда тутар эди.

Қандай воқеа юз берди ўзи? Нима учун пўлат магистралларнинг ишчилари темир йўл бошқармаси билан тўқнашиш йўлини тутиб, Вильсон ҳукуматига қаршилик кўрсатдилар. Гап шундаки темир йўл маъмуриятлари товар поездларининг тормозлаш майдончаларини тугатишга қарор қилди. Бу эса шу ихтилофларга сабаб бўлди ва яқин келажакда проводникларнинг ишсиз қолиш хавфини юзага келтирди. Касаба союзи жанг қилмасдан ўз позицияларини беришдан қатъий бош тортди.

Бош министр бу масалани келишиб ҳал қилиш имкониятига эга бўлган охирги дамларда эҳтимол бу ихтилофларни тугатиш мумкин ҳам бўлур эди. Лекин Вильсон, «Морнинг стар» газетасининг қайд қилиб кўрсатишича, ишқивоз бўлганлигидан «Манчестер юнайтед» билан «Вест Бромвич» командалари ўртасидаги футбол ўйинини томоша қилиш учун боришни афзалроқ кўрди.

Бу ихтилофлар нимаси билан машҳур? У фунт стерлинг қимматини ҳақиқий қийматига тушнрилгандан кейинги биринчи тўқнашув бўлди. Ушанда Уайтхолл иш ҳақларини бир қолда сақлаб туришга қаратилган ўз сиёсатининг мустаҳкамлигини тасдиқлади, катта бизнес эса ишсизликни кўпайтиришни очиқдан-очиқ талаб этарди. Темир йўлчиларнинг «тартиб бўйича» ишлашга қарор қилиши Даунинг - Стритнинг халққа зид бўлган сиёсатига қарши жавоб бўлди.

Ҳозир Лондонда ҳукумат қўшин ёрдами билан темир йўлларда фавқулодда ҳолат жорий этишни кўзлаётгани ҳақидаги овозалар зўр бериб тарқатиляпти. Бу овозаларнинг қанчалик тўғрилигини келажак кўрсатиб берар. Аммо ҳозирча поездлар графикдан четга чиқиб, кечикиб қатнаб турибди.

Г. КУЗНЕЦОВ,
АПН мухбири.

ЗАЙТУН ГУЛИ - ШИФОБАХШ

СОФИЯ (АПН-БТА). Зайтун гулининг гулбарги, пояси ва япроқлари Болгария медицинасида аллақачондан буён турли касалликларни даволашда фойдаланиб келинади. Болгариянинг атоқли фармакологи профессор Пётр Николаевнинг текширишлари бу гул япроқларида анча миқдорда танин, глюкозид ва бошқа моддалар борлигини кўрсатди. Булар ошқозон-ичак касалликларини даволашда фойдаланилади. Гул япроқларидан олинган шарбат ошқозон қаттиқ ва мунтазам оғриганда ёрдам беради. Йўғон ичакнинг қонли яллиғланиши ва бошқа ичак касалликларига ҳам шифо бўла олади.

ТИНЧЛИК ЮРИШИ

Италияда бўлиб ўтган тинчлик юриши уч ҳафтадан кўпроқ вақт давом этди. Тинчлик юришининг бир колоннаси шимол томондаги Миландан, иккинчи колоннаси жануб томондаги Неапольдан келиб Римда учрашдилар.

Мен бу юриш ташкилотчиларидан бири бўлган таниқли жамоат арбоби ва социолог Данило Дольчи билан суҳбатлашдим.

— Бу тинчлик юриши— деди Данило Дольчи.—бизнинг учун катта аҳамиятга эга. Биринчидан, биз бу юришнинг кўп сонли ёшларни ўзига тортаётганини кўриб ишондик. Иккинчидан, юриш вақтида кўп минглаб кишилар тинчлик учун курашнинг муҳимлигини тушиниб олдилар. Бизлар кишиларнинг турмушини яхшилаш ва Италия манфаатларини кўзда тутадиган снёсатни ўтказиш ҳақида кўпроқ ўйлашга мажбур этиш учун ҳукуматга тазйиқ қилиш зарурлигини кўрсатмоқчи бўлдик.

Колоннада Данило Дольчи билан бирга турли маслакдаги кекса кишилар ҳам: ёшлар ҳам боришарди. Бу ерда сочи оқарган адвокатни ҳам, ёш ўқитувчини ҳам: ишчи ва деҳқонларни ҳам кўриш мумкин эди. Ёшлар айниқса кўп эди. Бу ёшлар юришнинг ҳар бир босқичида колоннага қўшила борарди. Мен Дольчи ёнида бораётган кўпгина грекларни кўрдим. Сизлар нима учун тинчлик юришига қатнашяпсизлар, деган саволга грек студентларидан бири шундай жавоб қайтарди:

— Ҳаммадан аввал, — деди суҳбатдошим, — мен бу юришга тинчлик, озодлик ва тараққиёт учун курашувчи демократ бўлганим учун қўшилдим. Шу билан бир вақтда мен демократия учун курашаётган Греция номидан қатнашяпман. Италия пойтахтининг аҳолиси тинчлик ҳимоячиларининг намойишини табриклмоқда.

Н. ГРИЦИАНОВ,
(АПН).
Рим.

● *Чет эл ҳамшаҳарларимиз кўзи билан*

ҲИНДЛАР ДИЁРИДА

«ТУ-114» реактив лайнери Москвадан Деҳлига олти соатларда олиб боради. Деҳлининг машҳур «Палам» аэропорти унча дабдабали эмас: кўлами Тошкентнинг собиқ аэропортича келади.

Фарғона водийси билан Тошкентдан борган биз сайёҳлар Деҳлидаги «Турист отели»га тушдик. Меҳмонхона хоналарида замонавий барча қулайликлар бор. жумладан хона ҳавоси бир маромда салқинликда сақланади.

Янги Деҳли марказий майдони Тошкент скверига ўхшаш. гир айланасига ўнга яқин радиал кўчалар кетган.

Машҳур Лаъл-қалъа ва Жомеъ масжид эски шаҳар қисмида биридан-бири кўринниб туради. Лаъл-қалъа дарвозасида соқчилар турган ва ичида кичик гарнизон жойлашган бўлса-да. қалъага бемалол кираверіш мумкин. Ҳатто у ерда миллий моллар раста-бозори ҳам бор. Бобирийларнинг қалъадаги ҳашаматли мармар саройлари қонунгача кўркини йўқотмаган.

Бобирнинг ўғли Ҳумоюн мақбараси шаҳарнинг жануби-ғарбида катта боғнинг қоқ ўртасига тушган. Қирмизи тошдан ишланган мақбаранинг тўрт тарафдан тўртта эшиги бор. Соғона турган зал салқин—елвизак ўтиб турибди. Шундан бўлса керак. у жойда бир неча ҳиндилар мизғиб олгани ётишибди.

Деҳлидан Жайпурга учдик. Бу ерда филларга миниб Жайпур моҳорожасининг тепаликдаги собиқ саройига кўтарилдик. Ҳиндистоннинг муқаддас шаҳри—Банорасда Ганг дарёсида қатерга тушдик ва ҳиндиларнинг дарёда чўмилиб «гуноҳлардан фориғ бўлаётганликларини кўрдик.


Бобирийлардан Шоҳжаҳоннинг суюкли хотини-Мумтозбегим дафн қилинган Тож маҳал Жамна дарёси бўйида олди жанубга қараб тушган экан.

Калькутта орқали Ватанимизга қайтар эканмиз Покистонинг Лоҳур ва Карочи шаҳарларини ҳам зиёрат қилдик.

Ш. ТУРОБОВ.
фотолар авторники.



НИКОҲДА ХИЗМАТ ҚИЛДИРГАНИ ТАЙЁРЛАНИЛАЁТГАН ФИЛ.



АГРА ШАҲРИДАГИ ЭЪТИМОИДДИН ДАВЛАТ МЕЪМОРИЙ ЕДГОРЛИГИ ДАРВОЗАХОНАСИ.



КАЛЬКУТТА КЎЧАЛАРИДА.



ЖАЙПУР. МАҲОРОЖА САРОЙИ.

● *Бола тарбияси ҳақида*

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Ҳонадонлар имизнинг файзи, қувончи, таянчи— фарзанд. Шугина эмас, фарзанд биз бошлаган муқаддас ишларни дадил давом эттирувчи, ривожлантирувчи бадодир инсон. Шунинг учун ҳам уларни фахр билан, келажагимиз, деб атаймиз.

Келажагимиз эгаларини яхши тарбиялаш, уларни тўғри йўлга бошлаш жуда мураккаб вазифа. Бу вазифани шараф билан адо этиб, одобда, ўқишда ва меҳнатда қанчадан-қанча одамларга намуна бўлувчи фарзандлар ўстираётган ота-оналаримиз оз эмас. Биз бундай оила мураббийлари билан фахрланамиз.

Афсуски, гуруч курмаксиз бўлмас экан. Масалан, Кўкча маҳалласидаги 4-Кўрғончa кўчасининг 6-ҳовлисида Муборак Шукурова деган аёл яшайди. 1-автокомбинатнинг такси ҳайдовчиси у.

Шу аёл 1948 йилда қиз кўради. Исмини Зуҳра деб атади. Қандай яхши ном! Зуҳра — соф муҳаббат, меҳру-вафо, чин садоқат тимсоли.

Балки Муборак Шукурова ҳам фарзандим Зуҳрадек ажойиб инсон бўлиб етишсин, деб шу исмни танлагандир. Яхши ният ўз-ўзидан рўёбга чиқавермайди, албатта. Муборак бунга тушунмади. Қизи Зуҳрани тантиқ, бебош қилиб ўстирди. Ўқишига ҳам сира эътибор бермади. Оқибатда, қиз балоғатга етар-етмас ёмон йўлга кириб кетди. Орадан бир неча ой ўтар-ўтмас, Зуҳра жиноят устида қўлга тушиб, қамалди...

Муборак иккинчи қизи Василанинг тарбиясига ҳам мутлақо аҳамият бергани йўқ. Бунинг устига, уни ҳам Зуҳранинг йўлига бошлади. Васила ўтган йилнинг 14 январида Октябрь район милицияси қошидаги Болалар хонасига келтирилди.

Яқинда биз ана шу болалар хонасида бўлиб, 192-мактаб ўқувчиси Васила Шомансурова ҳақидаги ҳужжатлар жамланган папкани кўздан кечирдик. Василанинг милиция ходимларига берган тушунтириш хатларини ўқидик. Қиз ўзининг бу аҳволга тушиб қолганидан ниҳоятда афсуслангандек кўринади. Ёмон ўқиётганига, бебош бўлиб кетганига онаси ҳамда опаси Зуҳраннинг сабаб бўлганлигини баён этади. Мана, ўша хатлардан айрим жумлаларни сиз ҳам ўқиб кўринг: «Онам 1952 йилда отам Рихси Шомансуровни ҳақорат қила-қила уйидан қувиб чиқарган ва мени тирик етим қилиб қолдирган экан. Онам ёвузлик қилган бўлса ҳам, отам номардлик қилмабди. 13 йилгача менга нафақа тўлаб турибди.

Онам отамни уйдан қувгач, Маҳмадамин деган киши билан икки йил турди ва ундан 1955 йилда Рустам Шукуров. 1956 йилда Тожигул Шукуровалар туғилди. Шундан кейин онам бу отамдан ҳам айнаб, уни ҳам уйдан чиқариб юборди. Кейин — 1963 йилга келиб, ўзидан 14 яшар кичик Акром Алимбеков деган бир йигитга тегиб олди. Ундан ҳам бола кўрди.

Онамнинг менинг отамдан олдинги турмушидан Зуҳра деган қизи бор. Мана шу ўгай опам менга папирос чекишни, ичишни зўрлаб ўргатган».

Милиция ходимлари ҳамда мактаб маъмурияти Василани бу хатарли йўлдан қайтаришга кўп ҳаракат қилганлар ва ҳозир ҳам ҳаракат қилмоқдалар. Афсуски, уларнинг бу уринишларига онаси Муборак Шукуровани нинг оналик шаънига иснод келтираётган хатти-ҳаракатлари тусқинлик қилмоқда. Чунки у ишдан оуш вақтларида эри билан ичкилик бозлик қилиш, уриш-жанжал кутариб, қўшниларнинг тинчлигини оузиш билан банд.

Шугина эмас, бу оилада ги учинчи фарзанд Рустам Шукуров ҳам аллақачон ёмон йўлга кириб кетган. Уз ҳолига ташлаб қўйилган бу бола дастлаб Октябрь колхоз бозорига тушиб, қовун-тарвуз ўғирлаб юрди ва кечалари шу ерда тунаб қолди. Тез орада Рустам Янги шаҳар маҳаллалик уқувчи Исмат Азимовни, Зя мактаб ўқувчиси Абдукарим Йўлдошевни, 41-мактаб ўқувчиси Мирахмад Сулаймоновни ҳам ўзига эргаштирди. Оила назоратидан четда қолган бу тўрт бола кўпинча уйига бормай, дуч келган жойда тунаб қоладиган, ўғирлик қиладиган бўлишди. Яқинда бу тўрт жиноятчи бола милиция ходимлари томонидан қўлга туширилди.

«Қозонга яқин юрсанг қораси юқар» — деб шунга айтадилар-да! Агар Рустам Шукуров тўғри тарбияланган бола бўлганида эди, ўртоқлари Исмат, Абдукарим ҳамда Мирахмадларни ўгирликка эмас, яхши йўлга бошлаган бўлар эди.

Шу ўринда Исматнинг отаси Ҳикмат Азимов, Абдукаримнинг отаси Фозил Йўлдошев, Мирахмаднинг отаси Тоҳир Сулаймоновларга ҳам икки оғиз сўзимиз бор. Хўш, фарзандларингиз ёмон йўлга кирипти-ю, наҳотки, сизлар бехабар бўлсангизлар?! Наҳотки, жиноят қилгунларига қараб тураверсангизлар?! Бунинг учун сизлар ҳам, болаларини нотўғри йўлга бошлаган Муборак Шукурова ҳам жамоатчилик олдида жавоб беришингиз керак.

Ҳурматли газетхон! Бу ерда биз бола тарбиясига бефарқ қараган баъзи оила бошлиқлари ҳақида уч-тўрт оғиз сўз юритдик, холос. Аммо орамизда бундай ота-оналар анчагина. Хўш, уларга нисбатан қандай чора кўриш керак? Бу саволнинг жавобини сизлар ечасиз, албатта.

У. ЮСУПОВ.

ЧЕТ ЭЛ ЮМОРИ

Қамоқ назоратчиси маҳбусга:

— Бугун сиз аёлингиз билан учрашасиз,—дедн.

— Қайси бири билан. Ахир, мен кўп хотинлик бўлганим учун шу ерда ўтирибман-у...

* * *

— Ҳозирги замон ёшларининг кийиниши сизнинг ҳам таъбингизни хира қиладими? Масалан, ҳу анови кетаётган таннозни...

— У менинг қизим.

— Кечирасиз, билмабман, сиз унинг отаси экансиз.

— Отаси эмас, онаси. ман.

* * *

Американинг Париждаги Лувр виставкаси расмларини кўриб, шундай деди:

— Бу ерда ҳеч қандай янгилик йўқ. Бундай расмлар бизнинг Штатларда ҳам кўплаб топилади.

— Тўғри, жавоб қилди гид.—Рембрант ўз ҳаётида 700 та сурат яратган бўлса, шулардан 10.000 таси АҚШ да топилади.

* * *

Она ўғилчаси Петер билан фотоательедан қайтди:

— Хўш, қандай бўлди?—сўради ота,—фотограф Петернинг кулиб турган вазиятини суратга туширишга муяссар бўлдими?

— Йўқ,—жавоб қилди она,—лекин Петер фотографии йиғлашга мажбур қилди.

Русчадан А. МАДРАҲИМОВ таржимаси.

Ҳар тўғрида

ҚУШЛАРДАН „БОЖ ОЛИНДИ“

Кандалакшскдаги давлат заповедингида гага номли қушларнинг патини йиғиш иши тугалланди. Бу йил бу ерда 278 килограмм пат тайёрланди. Қимматбаҳо хом ашё ҳисобланган шунча патни йиғиш учун Оқ ва Баренцев денгизларининг соҳилларидаги 4 мингдан кўпроқ қуш уясини текшириб чиқишга тўғри келди. Патларни йиғиш иши гага қушларининг авлодларига зиён етказмасдан, улар болалари билан уяларини ташлаб кетгандан кейин ўтказилди.

Григорий Найшуллер,
(АПН).

ДУБЛЁР

Франциянинг Мице шаҳрида футбол бўлаётган пайтда ўйинчилардан бири оғир жароҳатланди.

Уйинчини майдондан олиб чиқиб нетадилар. Бир неча минутдан сўнг ўйинчи худди ҳеч нарса кўрмагандек майдонга қайтиб тушади. Ўйин давомида бўлгач, сир очилади.

Жароҳатланган ўйинчининг туғишган укаси акаси ўрнига майдонга тушган экан.

Ўйин натижаси бекор қилинди. Сири очилган эгизак футболчи эса шаҳар мери фармойиши билан уч ой қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

БОҒ ВА ДОҒ

Шу сарлавҳа остида газетамизнинг шу йил 24 ноябрь сонида босилган хабарда «Подшипник» заводи ҳовлисидаги тартибсизликлар, ишчиларнинг ҳордиқ чиқарадиган жойи — ҳовлидаги дарахтзор ташландиқ ҳолда қолгани, аҳлат уюмлари ҳар ерда ётишини танқид қилинган эди.

Редакцияга завод директоридан жавоб хати келди. Унда хабарда келтирилган нуқсонлар тўғрилиги эътироф этилади. Шунингдек, бундай камчиликларни қайтарилмаслик учун зарур чоралар кўрилгани ёзилган.

УЛКАН МАШИНА

Англиянинг Уотфорт шаҳрида ичида чойшаб, сочиқ, ёстиқ жилдларини 45 секунд ичида ювиб, қуритиб, дазмоллаб қўядиган машина бор. У кирларни оддий кир ювиш агрегатига нисбатан сифатлироқ, яхшироқ, ювиб тайёрлайди. Афсуски бундай машинани ҳар бир уй бекаси ҳам қўллай олмайди. Сабаби у ниҳоятда улкан. Ҳажми паравоздек келади. Нархи ҳам анча қиммат. 85 минг долларлар!

Чапақайлар ҳақида китоб

Чапақай кишилар ҳақида ёзилган китоб инглиз ёзувчиси Майн Барслиниидир. Бу китоб муаллифнинг 14 йиллик маҳсулотидир. Муаллифнинг берган маълумотига қараганда ўтган даврда энг машҳур чапақай киши, романтик ёзувчи Леонардо да Винчи бўлган. Айни замонамизда эса юмушларни чап қўл билан бажарадиган киши танилди кинохитёр Чарли Чаплиндир.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3 бет
20 ДЕКАБРЬ, 1967 Й.



«Ҳақиқат! Фақат ҳақиқат керак!»— Ленинград драматург ва тарихчи Д. Аль асари асосида СССР халқ артисти Г. А. Толстоногов М. Горький номидаги Катта академик драма театрида саҳналаштирган спектакль ана шундай номланади.

1920 йилларда Америка сенатининг Октябрга қарши нураш ҳақидаги ненгаши ҳақидаги ҳужжатлар спектаклга асос қилиб олинган.

СУРАТДА: спектаклдан бир кўриниш. Олдида — Альберт Рис Вильямс ролида РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Медведев.

М. Блохин фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

Спорт

ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТ

— Мактабимизда спорт ишларининг бориши чакки эмас,— дейди пойтахтдаги И. В. Мичурин номли 81-мактабнинг физкультура ва спорт ўқитувчиси Ўткир ака Мирзажонов. Ҳа-ҳақиқатан ҳам Ўткир аканинг сўзларида жон бор.

Мактабда кенг, ёруғ ва озода спорт зали мавжуд, залда футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси ва бошқа секциялар мунтазам равишда ишлаб турибди. Мактаб спортчиларидан 9-«В» синф ўқувчиси Б. Шамсуддинов футбол секциясининг ишларини олиб боришда ўқитувчига яқиндан ёрдам беради. Бахтиёр «Спартак» спорт жамиятининг футбол командаси аъзоси ҳамдир. Э. Набиев, В. Жамилова, Ж. Қосимов, Ҳ. Сандхўжаев, А. Миршарипова З. Аҳмедова ва бошқа кўплаб ўқувчилар мактабнинг етакчи спортчиларидан ҳисобланишади.

Мактаб спортчилари Октябрь райони бўйича ўтказилган мактаблараро мусобақада 3-ўринни эгаллашди ва 3-даражали дипломлар билан тақдирланишди.

В. АДМЕДОВА, ТошПИ студенти.

ШАХМАТ

КЛУБ ЭШИКЛАРИ ОЧИҚ

Қадимдан ақл ва заковат ўйини ҳисобланган шахмат ҳозирги кунда ҳам барча касбдаги, турли ёшдаги кишиларни ўзига ром қилади.

Чкалов номли заводда ҳам олтмиш тўрт катакли тахта ихлосмандлари кўплаб топилади. Улар 4-турар жой шаҳарчасида истиқомат қилишади. Яқинда «Старт» стадиони раҳбарлари ташаббуси билан шу районда от қиёфаси туширилган эмблемали биринчи секция очилди.

Ҳафтанинг уч кунида Проектний кўчага жойлашган ётоқхонага шаҳарчанинг ҳар чеккасидан шахмат ўйини шинавандалари келади.

— Шахмат клубига барча қизиққанлар аъзо бўлади,— дейди шу секция раҳбари Георгий Паккерт.

Секция ишида заводнинг анча етук шахматчилардан 22-цех токари Л. Чувашев, 9-цехнинг дурадгори А. Шеляев, республика терма командасининг аъзоси, СССР халқлари IV юбилей спартакиадаси қатнашчиси, инженер Р. Ниёзбековалар фаол иштирок этишяпти. Бу шахматчилар биринчи разряд нормативига эга. Ёш қатнашчилар улардан кўп нарса ўрганишади...

Секцияда шахмат бўйича назарий билимлар ҳам берилади. Шахмат оламининг забардаст намояндалари — Капабланка, Алёхин, Ботвинник, Ласкер, Петросян ва бошқа гигантларнинг ижодий ва амалий фаолиятлари чуқур ўрганилади.

Ҳозирги кунда секция раҳбарлари ўз клуб командалари тажрибасини янада такомиллаштириш ва келгусида шаҳарнинг энг кучли командалари билан беллаша оладиган шахматчилар тайёрлаш устида иш олиб боришмоқда.

ТЕННИС

ТРАДИЦИОН УЧРАШУВ

«Локомотив» кўнгилли спорт жамиятининг ёшлар терма командаси билан Тожикистон ёш теннисчилари ўртасидаги учрашув Ленинобод шаҳрида бўлиб ўтди. Бу ўзбек ва тожик спортчиларининг тўртинчи матч учрашуви эди.

Аввалги икки матчда тожик теннисчилари гопибликни ўз қўлларида тутиб қолган эдилар. Учинчи учрашувда ўзбек темир йўлчиларининг кўли баланд келди.

Ленинободдаги тўртинчи учрашув 10:10 ҳисобида дуранг натижа билан тугади.



Чекист хотиралари.

— Хотиржам бўл, ёрдам бераман. Маълум бўлишича душман тўдаси ўзининг қуршовда қолганини билиб, орқага қайтишга уринаётган экан.

Кунларнинг бирида бизнинг олдимизга колхоз чўпони келиб, босқинчилар унинг бир неча қўйини олиб кетганини, агар нон олиб келсанг катта пул берамиз дейишганини айтди. Чўпон улардан тезроқ қутулиш учун нон келтиришга ваъда берган-у, бизнинг олдимизга югурган.

Мен чўпон билан гаплашаётганимда чегара офицери капитан Лапчевский шу атрофдаги офицерлик составидаги барча жангчиларни отлантирди.

Бизнинг отлиқ отряд бир дақиқани ҳам қўлдан бой бермай, йўлга тушди.

Тоғ сўқмоқларидан, арчазорлардан узоқ юрдик. Кеч кирганда, чўпоннинг айтишига қараганда босқинчилар яширишни кераи бўлган жойга етиб келдик. Душманни қидириш учун иккига бўлиндик. Бир группа шу райондаги бирдан-бир довонни тўсиб турадиган бўлди. Душман фақат мана шу довондан ошиб, дарё бўйига тушиб олиши мумкин эди. Мен бошчилик қилаётган етти кишилик группа эса (бу группада капитан Лапчевский, алоқачи лейтенантлар Кулик ва Белозеров бор эди. Ҳозир уларнинг барчаси чегара зонасида хизмат қиладилар) эҳтиётлик билан душман изига тушди.

Тоғдан юриш қийин, душманни излаш эса яна ҳам огирроқ. Кўп йиллик тажриба, кундалик машқлар ёрдам берди.

Ниҳоят тун қўйнида ярақлаб кўринган оловни пайқаб қолдик. Бир-биримизнинг изимиздан секин-секин юриб боряпмиз. Орқада келаётганлар менинг сигнал беришимга қараб, гоҳ олга эмаклайдилар, гоҳ тўхтаб қоладилар.

Ташландиқ кўтон ичида бир неча одам олов ёқиб ўтирар эди. Оловда уларнинг қуроли ярақлаб кўринади. Қозонда нўй гўшти қайналяпти. Бандитлар лагери қўйган соқчилар кўринмайди. Улар бемалол ўтиришарди.

Секин эмаклаб орқага қайтдим. Тезда нўз очирмай яксон қилишга қарор бердик. Шивирлаб буйруқ бердим. Лейтенант Куликов ва Белозеров душман қочиши мумкин бўлган йўлни пойлаб туришди. Бир чегарачи атрофни ракета отиб ёритиши керак эди. Биз эса капитан Лапчевский ва уч чегарачи билан ичкарига отилиб кирамиз-да, «Қўлингни кўтар, қуролингни ташла!» деб буйруқ берамиз. Биз бандитлар ўзини йўқотиб қўяди, қуролини ташлайди, деб ўйлаган эдик. Йўқ, ундай бўлмади. Улардан бирн «олға» деб қичқиргунча милтиғини олиб менга ташланди. Шу ўринда самбо иш берди. Зум ўтмай унинг милтиғи гумбурлаб ҳавога отилди-ю, анча нарига, ўзи эса қозонга бориб тушди. Кейинчалик маълум бўлишича, бандитларнинг бошлиғи шу экан. Қаршилик қилмоқчи бўлган бошқа калланесарлар капитан Лапчевскийнинг ўқига учди. Шунга қарамай бир неча киши девор орасидаги ёриқдан ўтиб, ташқарига чиққан экан. Лекин улар ҳам лейтенант Куликов билан Белозеровларнинг ўқига учради. Шундай қилиб, банда тор-мор этилди. Фақат икки ярадор босқинчи маҳаллий аҳоли яшайдиган ерга қочиб борган экан. Уларни ҳам одамлар тутиб олишибди.

Қизиғи шундаки, ярадорларни улар оёқ ости қилмоқчи бўлган ёш медик аёлларнинг худди ўзи — Селючкина бошчилигидаги врачлар даволашди. (Ҳозир Селючкина Тошкент авиация заводида ишлайди). Ярадор бандитларни даволашни улар жуда ҳам истаётганлари йўқ эди. Лекин хизмат бурчини адо этишга тўғри келди.

Софдил совет кишилари донмо шундай, ўз ижтимоий бурчларини англаб яшайдилар. Мана шу мен баён қилган воқеа бизнинг ҳаётимиздаги оддий ҳаплардан бири эди.

А. СОБИРОВ.

«Чекистлар» китобидан.

Охири. Боши газетанинг ўтган сонида.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

РАДИОДА

20

ДЕКАБРДА ЧОРШАНБА

Биринчи

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 Духовой оркестр концерти.
18.40 Симфоник рақслар.
19.20 Қозоқ қуйлари.
20.00 **Мақомлардан парчалар.**
20.45 **«Меҳнат улуғлаган кишилар»** деган эшиттириш (ўзбекча).
21.00 **Чекистларнинг талабларини ижро этамиз.**
21.45 **Саломатлигингиз ҳақида икки оғиз сўз** (ўзбекча).
21.50 **«Дунё воқеалари** (ўзбекча).
22.15 КОНЦЕРТ.
22.40 ПОЭЗИЯ КЕЧАСИ (ўзбекча).
23.20 **Янги Тошкентни қураётганлар учун концерт** (ўзбекча).

Иккинчи

19.00 **Қардош халқлар адабиёти** (ўзбекча).
19,30 Ф. Лист асарларидан концерт.
20.10 Ўзбекистон ССР халқ артисти Шораҳим Шоумаров ҳақида музикали эшиттириш.
20.50 **«Колхида учрашувлари».** Грузия радиосининг эшиттириши (ўзбекча).
21.00 **Тожик куйлари.**
21.30 Москва. Миллионлар ленинча университеги.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА КЎРИНГ

ТЕЛЕВИЗОРДА

20

ДЕКАБРДА ЧОРШАНБА

Биринчи

Рус тилида:

18.00 Телевизион янгиликлар.
18.15 Болалар учун. «Опаси Аленушка ва ука си Иванушка». Мультфильм.

Ўзбек тилида:

18.25 Телевизион янгиликлар.
18.40 «Ая» телевизион бадиий фильми.
19.30 «Музика кадрлари ўчоғи». Глиэр номидаги музика мактаби ўқувчиларининг концерти.
20.15 **«Кўринмас фронт» жангчилари».** ВЧК ташкил топган кунга 50 йил тўлиши муносабати билан киноэшиттириш (рус тилида).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

21.35 **«Бу—давлатнинг яширин сири эди».** Телевизион кўп серияли бадиий фильмнинг биринчи серияси.
23.30 Телевизион янгиликлар.
24.00 Концерт.
00.50 **«Севги ва пул».** Телеспектакль премьераси.
01.40 Москва эшиттиришларининг охири.

Иккинчи

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида:

18.00 **«Менинг шаҳрим денгиз ёқасида». «Голландияда бир неча кун».** Кинофильмлар.
18.35 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. **«Сенинг тенгдошларинг».**
19.05 «ЖАНГОВАР 219-нчи». Кинофильм.
19.50 Бадиий ҳаваскорлар концерти (рус тилида).
21.35 «ДАВЛАТ ЖИНОЯТЧИСИ». Бадиий фильм (ўзбек тилида).

Учинчи

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

18.00 Экран — болаларга.
18.20 Телевизион янгиликлар.
18.35 «Сатира ва юмор кечаси».
19.15 «Салом алайкум». Телеочерк.
19.45 Беш йилликнинг 720-куни.
20.10 Телеочерк.
20.40 Лирик тўлқинларда.
20.50 Музикали эфир.
21.15 «Есенинни эслаб». Концерт.
21.45 **ВЧК нинг 50 йиллиги олдидан.** «СИЗНИ КИМ ДЕБ АТАСАМ ЭКАН». Бадиий фильм.

ТЕЛЕВИЗОРДА

21

ДЕКАБРДА ПАЙШАНБА

Биринчи

Рус тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 Телевизион янгиликлар.
18.15 Болалар учун. **«Музикали минутлар».**
18.45 Реклама ва эълонлар.
18.50 «САШАХОН-САША». Кинокомедия.
20.00 Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида:

20.05 Телевизион янгиликлар.
20.25 **«Октябрь революцияси»** номли заводда.
20.45 **Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллиги олдидан.** «АДАБИЙ МЕРОСИМИЗ ОЙНАИЖАҲОНДА».
21.25 **«Ўзбекистон санъат усталари». Комилжон Отаниёзов.**
22.25 **«Экранда совет хотин-қизлари образи».** Киноэшиттириш.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

24.00 **«Бу—давлатнинг яширин сири эди».** Телевизион кўп сериялн бадиий фильмнинг иккинчи сериси.
01.30 Москва эшиттиришларининг охири.

Иккинчи

18.00 **Ўқув эшиттиришлари программаси.** Ўқувчилар учун. Немис тилидан 8 машғулот.

Ўзбек тилида:

18.30 **Студентлар учун.** Чизма геометрия.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Эшиттиришлар программаси.
19.50 Интервидение. Ўқувчилар учун ёш музикачилар конкурси.
20.30 Қишлоқ янгиликлари.
21.00 Телевизион янгиликлар.
21.20 Музикали маяк.
21.30 **Жаҳон бир ҳафта ичида.**
22.00 **Театр санъаткорлари билан учрашув.**
23.30 Телевизион янгиликлар.

Учинчи

ОЛМАОТА КЎРСАТАДИ

18.00 **«Бизнинг овул кишилари».** Телерепортаж.
18.10 **«Скульптор ва замон».** Киноочерк.
18.30 **«Ёш санъат ҳаваскорларининг клуби».**
19.00 Янгиликлар.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида:

19.30 Ўқувчилар учун. **«Комсомолдан ўрнак ол!»** деган эшиттириш.

Рус тилида:

20.00 Телеочерк.
20.25 «МЕН ЯШАЁТГАН УЙДА». Бадиий фильм.

КИНО ТЕАТРЛАРДА

20 ДЕКАБРДА

Учинчи қадам — «МОСКВА», «ДРУЖБА», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ (кечқурун) «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ярим ва 10-15 минутда).

Сайёд қўнғироғи—НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Аловуддиннинг сеҳрли лампаси — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун) «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Лўли—«КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 8 да).

Азамат — «ДРУЖБА» (кеч соат 6 ва 9-40 минутда).

21 ДЕКАБРДА

Сайёд қўнғироғи—«МОСКВА», НАВОИЙ номли, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Қисқа учрашувлар (эрталаб соат 10, кундуз 2,4 ва кеч 8 да), **Аччиқ гуруч** (кундуз 12, кеч 6 ва 9-45 минутда)—«КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ».

Аловуддиннинг сеҳрли чироғи—«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Учинчи қадам—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

21-22 ДЕКАБРДА

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА—21/XII да **Тўй кунида**, 22/XII да **Чио-Сан**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/XII да **Гулисиё**, 22/XII да **Ёшлинда берган кўнгил**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Майдонда москваликлар». Совет цирки усталари. Совет Иттифоқида яика-ю-ягона радио-механик одам—«Робот» иштирокида электрон иллюзион аттракцион.** Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
22 декабрда
Ўзбекистон ва Туркманистон ССР халқ артисти
КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ
туғилган кунининг 50 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 35 йиллигига бағишланган
ЮБИЛЕЙ КЕЧАСИ
Юбилей кечаси кеч соат 6 да бошланади, кечага таклиф билетлари билан қўйилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
1967 йил 24 декабрда
Ўзбекистон ССРнинг 6-пул-буюм ютуқлари тиражи
ЎТКАЗИЛАДИ
Тиражда умумий суммаси 877500 сўмлик 612500 ютуқ ўйналади, булардан 630885 607765 пул ютуғи ва 246615 сўмлик 4735 буюм ютуғи, шулардан 5 та «Волга», 5 та «Москвич—408» автомашиналари, 5 та «ИЖ—Планета», 5 та «М—63» коляскали мотоциклар, телевизорлар, холодильниклар, гилам ва гилам паёндоз ва бошқа қимматли буюмлар бор.
Лотерея билетларини омонат кассалардан, магазинлардан, умумий овқатланиш, алоқа корхоналари ва «Союзпечать» лардан, кино ва театрлардан сотиб олиш мумкин.
ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГИЗ!

1967 йил 10 январь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг геология ва геофизика фанлари бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (академик Сулаймонова кўчаси, 33-уй, конференц-зал) геология-минералогия фанлари кандидати деган илмий даржани олиш учун
И. И. Перельман: «Жанубий ва марказий Фарғонада тарқалган учлашчи қатламнинг сейсмик қидирув (МОВ) натижаларига асосланган тектоникаси» деган темада
ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ.
Диссертация билан геология ва геофизика институтининг (Сулаймонова кўчаси, 33-уй) кутубхонасида танишн мумкин.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
ТЕЗ КУНДА
ҚИЗБУЛОҚ
(3 парда 9 ҳикояли фожиа)
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **ТУРОБ ТЎЛА** асари.
Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби
И. АКБАРОВ музикаси.
Постановкачи режиссёр
А. Раҳимов,
Дирижёр
Қ. Усмонов,
Рассом
Т. Шораҳимов,
Хормейстер
О. Назруллаев,
Концертмейстерлар
А. Б. Малина ва М. А. Фурман,
Режиссёр ассистенти
Р. Муҳитдинова.

ТЕМИР ЙЎЛНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИГА
торозибонлар, стрелкачилар, юкчилар, автопогрузка бошқарувчилари, йўл ва қурилиш ишчилари, ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарлар, товар кассирлари
КЕРАК
Ёлғиз кишилар ётоқхона, оилалилар тармоқ станцияларида квартира билан таъмин ланадилар.
Иш сменали. Кечаси ишлаганларга икки дам олиш куни, кундуз куни ишлаганларга бир дам олиш куни берилади.
Бўлимда юқорида кўрсатилган ҳунарлари бўлмаган кишилар учун қисқа муддатли курслар ташкил этилган.
Темир йўлчиларга ва уларнинг оиласига ҳам темир йўл тармоқларида юриш учун бепул билет берилади, оилали темир йўлчиларга ўрта Осиё темир йўлида қатнаш учун қўшимча иккинчи билет берилади.
Шаҳар чеккасида яшовчиларга турар жойидан иш жойигача поездларда қатнаш учун бепул билет берилади.
Кўрсатилган касбдаги ишчилар 50 процент арзон нархда темир-йўлчилар формаси билан таъминланади.
Янги ўқув йилида ўқишга киришни хоҳлаганлар учун (транспорт институти ва техникумига) тайёрлов курслари ташкил этилган, кечки ишчи-ёшлар мактаби ҳам мавжуд.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Саларские ключи, 6, темир йўлнинг Тошкент бўлими, кадрлар бўлимига ҳар куни эрталаб соат 9 дан кундуз 5 гача учрашилсин.
Телефонлар: В-92-33-03, В-92-45-69, В-92-44-69.

Чилонзор районидаги 179-мактаб томонидан ҲАСАНОВ НУРИЛЛА номига берилган 247818-сонли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲАҚИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ
техникумга кирувчиларни тайёрлайдиган
6 ойлик курсга
ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.
Машғулотлар 25 декабрдан бошланади.
Мурожаат учун ардес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 32-уй, кундуз соат 2 дан кеч 6 гача учрашилсин. Телефон 4-19-44

ШАҲАР 62-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
сувоқчилар, бўёқчилар, гишт терувчилар, дурадгорлар, автослесарлар, қурилиш машиналари ремонти бўйича слесарлар.
Ўқиш муддати — 6 ой.
5-10 синф ҳажмида маълумотли 16 дан 40 ёшгача бўлган кишилар янл бўйи қабул қилинадилар.
Қабул қилинганлар 3 марта иссиқ овқат, кийим-бош ва меҳнат ҳақи билан ишлаб чиқариш практикаси давомида) таъминланадилар. Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади. Билим юртини тамомлаганлар — «Главташкентстрой»га йўлланма оладилар ва олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларининг кечки, сиртқи бўлинмаларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.
Аризага ўрта маълумот ҳақидаги аттестат ёки маълумоти ҳақида справка, турар жойидан ва соглиги ҳақида справкалар, таржима ҳол, учта фотосурат (3х4) қўшиб топширадилар. паспорт ёки туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, ҳарбий билет ёки прописка гувоҳномаси шахсан кўрсатилади. Ҳужжатлар эрталаб соат 9 дан қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, Д-17-квартал 29 а. (33-автобусларнинг «17 квартал» бекати).

ТОШКЕНТ ОКШОМИ 4 БЕТ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»— Орган Ташкентского Горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор—В3-02-49 дан В3-02-58 гача, редактор ўринбосарлари— В3-29-33; В3-29-09; масъул секретарлар—В3-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—В3-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими—В3-27-03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими—В3-29-55; қатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—В3-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—В3-27-57; ахборот бўлими—В3-65-57; эълонлар бўлими — 63-81-42.

20 ДЕКАБРЬ, 1967 И. Р 06999. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетн Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 3086.